

---

## “ФАРФОНА ҲЭТК” АЖДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ПОЛИМЕР ИЗОЛЯТОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров “Фарфона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ тасарруфида янги замонавий полимер изоляторлар ишлаб чиқарыш цехида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу ишлаб чиқариш линияси, қарийб 5 миллиард сўмлик лойиха доирасида амалга оширилди. Янги цехда йиллик 140 минг дона 5 турдаги полимер изоляторлар ишлаб чиқарилади. Ҳозиргача тўла импорт қилиб келинган ушбу маҳсулотнинг маҳаллийлаштирилиши натижасида Фарфона вилоятида йиллик 3,5 миллиард сўм маблағни тежаб қолишига эришилади. Бугунги кунда “Фарфона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг полимер изоляторларига бўлган йиллик талаби ҳисобга олинса, ушбу лойиха 1,5 йилда тўлиқ ўзини қоплади. Янги цехда 20 дан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди.

Янги цехнинг ишга тушиши билан бир қаторда, бугунги кунга келиб корхонадаги мавжуд сипарматуралар, траверслар ҳамда темир-бетон таянчлари ишлаб чиқариш ҳажми ва тури янада кенгайгани, электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш бўйича “Фарфона ҲЭТК” томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда харажатларни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

“Фарфона ҲЭТК” раҳбари Азизбек Сайдалиев билан истиқболдаги мойли ўчиргичларни модернизация қилиш ҳамда 35-110 кВ подстанциялардаги куч трансформаторларини корхонанинг ўзида таъмирлаш лойиҳаларини муҳокама қилган вилоят ҳокими, истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўз тавсияларини берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-26 12:19:39